

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Қх. 13.04РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ ЖЕТКЕРБАЙ ДАВЛЕТБАЕВИЧ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ҚОВУН
МЕВАЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ

ТОШКЕНТ –2023

УЎК: 582.98:664.8

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси авторферати мундарижаси

Оглавление авторферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences

Султанов Жеткербай Давлетбаевич
Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қовун меваларини сақлаш ва
қайта ишлаш технологиясини тадқиқ қилиш 3

Султанов Жеткербай Давлетбаевич
Исследование технологии хранения и переработки плодов дыни в
условиях Республики Каракалпакстан 19

Sultanov Jetkerbay Davletbaevich
Research of the technology of storage and processing of melon fruits in the
conditions of the Republic of Karakalpakstan 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DS.c.05/29.04.2022.Qx. 13.04РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ ЖЕТКЕРБАЙ ДАВЛЕТБАЕВИЧ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ҚОВУН
МЕВАЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ –2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2023.1.Phd/Qx1080 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетига баъжаришган.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.itsau.uz) ва «Ziyou» Ахборот таълим порталида (www.ziyoue.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умидов Шавкат Эргашевич
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Расмий ошпонентлар:

Долаев Кўчкер Одилович
техника фанлари доктори, профессор
Абдусатторов Бахтиёржон Абдуланипоров ўғли
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DS.c.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақами Илмий кенгашнинг 2023 йил 12 октябры соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tsag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маммурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (549250-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация авторферати 2023 йил 28 сентябрь кун тарқатилди.
(2023 йил 11 сентябрдаги 64-рақамли респстр бейномаас).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Дунё бўйича полиз маҳсулотлари экспорти 6 фоизга ўсиб, 2,3 миллион тоннани ташкил этди. “Ковун импорти бўйича: АҚШ-25 %; Нидерландия-10 %; Франция-9 %; Буюк Британия-9 %; Канада-8 %; бошқа давлатлар-39 % ни ташкил этди. 2020 йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра, қиймати 22,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 54,7 минг тоннадан зиёд ковун маҳсулоти хоризга экспорт қилинади. Ҳозирда республикамызда 52,3 минг гектардан ортик майлонда полиз экинлари етиштирилаётган бўлса, шундан 20,8 фоизга ковун экинни эклиб, ўртгача хосиддорлик гектарига 19,7 тоннани ташкил этмоқда¹. Дунёда ковун мевасини йил давомида истеъмол қилиш учун уни сақлаш технологиясини такомиллаштириш зарур.

Ковунни сақлаш технологияси йўналишида жаҳонда бир қатор тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотлар асосан ковунни қисқа муддат сақлаш, унинг қадокланиши ва сақлаш учун мақбул навларни танилашга бағишланган. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда ҳам бир қатор илмий изланишлар ва тадқиқот ишлари ковунни турли усулларда сақлаш технологияси бўйича олиб борилган. Айниқса, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон олимлари томонидан ковунни сақлаш технологиясига асосий урғу берилиб, аксарият тадқиқотлар ковун меваларини қисқа муддатда сақлаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган. Лекин ковунни сақланувчанлигига агробиологик ва технологик хусусиятларининг таъсири, ковунни сақлашнинг маҳаллий усулларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар етарли эмас. Шунинг учун ковуннинг агробиологик ва технологик хусусиятларини сақланувчанлик хусусиятларига боғлиқлигини ўрганиш, шунингдек, сақлаш жараёнидаги оптимал технологик параметрларини илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, уларнинг ассортименти ва экспорт салоҳиятини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда ҳам бир қатор олимлар томонидан ковунни хулуларда етиштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ковун меваларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар етарлича эмас. Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси” да “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, кишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн т-га, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавот бўйича 28 фоизга етказиш” та алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан ковунни сақлаш, қайта ишлаб турли маҳсулотлар тайёрлаш ва ижобий натижаларга эришиш долзарб аҳамиятта эга.

¹ <http://www.fao.org/faostat/2020/>

даражаси 12 % дан балинд бўлган навларда қурилган махсулотнинг товарбоплик кўрсаткичлари юқори бўлиши исботланган;

қовун меваларини маҳаллий усулда узок ва сифатли сақлашда қарабарак ўсимлиги экстракти билан дастлабки ишлов бериб сақлашнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қовун мевасини сақлашда қарабарак (*Halostachys caspica*) ўсимлиги экстрактини қўллаш усули ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга тавсиялар тайёрланган;

қовуннинг сақлаш ва қайта ишлашга мос бўлган навлари рўйхати шакллантирилган;

қовун меваларидан қоки тайёрлашнинг самарали ва ресурс тежамкор усули ишлаб чиқилган;

қовун навларини сақлаш ва қайта ишлашда технологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси аниқланган;

қовун меваларини сақлаганда технологик кўрсаткичлари бўйича навлар кесимида маълумот шакллантирилган, энг мақбул сақлаш муддатлари аниқланган;

қовун меваларидан қайта ишланган махсулотлар тайёрлашда уларнинг технологик кўрсаткичлари бўйича навлар кесимида маълумот шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: тадқиқот мавзуси бўйича назарий қузатув ва лаборатория-дала тажрибаларининг мунтазам апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларига математик-статистик ишлов берилганлиги, ижобий натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги; тадқиқот натижаларининг хоризда ва республикада ўтказилган нуфузли илмий-амалий конференцияларда, инноватсион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги, шунингдек қовоқдошлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳисоблар ва қузатувлар методикаси ишлаб чиқилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қовунни сақлашда қарабарак (*Halostachys caspica*) ўсимлигининг 5 % ли экстрактини пурқаб ишлов берилиши натижасида сақлаш муддати 30-45 кунга узайиши исботланган. Қовун ўсимлигининг навларида олинмайдиган махсулотлар турларини аниқлаш, махсулотлар турларини ошириш, махсулотларни олишда юқори самара берадиган усулларни ишлаб чиқиш, сифатли тайёрлаш усулларини ва узок муддат сақлашнинг энг юқори самара олиш шарт-шароитларини белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикада районлаштирилган ҳамда истиқболли қовун навларидан турли усулларда қуриштишда унга дастлабки ишлов бериши самарали ташкил этиш, қуриштиш усулларига қараб жараён давомийлиги ва органолептик хусусиятларининг

ўзгариши тадқиқ қилиниб, органолептик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қовунни сақлашбоп навларини советкичи омборларда узок муддат сақлашни ташкил этишда қарабарак (*Halostachys caspica*) ўсимлигининг 5 % ли экстрактдан фойдаланиш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги “Алақамба” фермер хўжалигида 1 гектар майдонга қовун навлари экилиб, узок муддат сақлаш бўйича тажриба натижалари жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазиригининг 2023 йил 18 майдаги 01/022-1727 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида сақлаш давомида қовуннинг сифатига бевосита таъсир ўтказувчи ҳарорат, намлик, ҳаво айланishi каби муҳит омилларини назорат қилиш натижасида (1 га майдонда етиштирилган ҳосил ҳажмига нисбатан) олинмайдиган соф фойда миқдори 31840,0 минг сўмга, рентабеллик кўрсаткичи 44% га юқори бўлишига эришилган;

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги “Алишер қараой” фермер хўжалигида 1 гектар майдонга қовун навлари экилиб, узок муддат сақлаш бўйича тажриба натижалари жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазиригининг 2023 йил 18 майдаги 01/022-1727 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида сақлаш давомида қовуннинг сифатига бевосита таъсир ўтказувчи ҳарорат, намлик, ҳаво айланishi каби муҳит омилларини назорат қилиш натижасида (1 га майдонда етиштирилган ҳосил ҳажмига нисбатан) олинмайдиган соф фойда миқдори 33909,0 минг сўмга, рентабеллик кўрсаткичи 44% га юқори бўлишига эришилган;

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги “Садик Анварбек” фермер хўжалигида 1 гектар майдонга қовун навлари экилиб, узок муддат сақлаш бўйича тажриба натижалари жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазиригининг 2023 йил 18 майдаги 01/022-1727 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида сақлаш давомида қовуннинг сифатига бевосита таъсир ўтказувчи ҳарорат, намлик, ҳаво айланishi каби муҳит омилларини назорат қилиш натижасида (1 га майдонда етиштирилган ҳосил ҳажмига нисбатан) олинмайдиган соф фойда миқдори 32650,0 минг сўмга, рентабеллик кўрсаткичи 48% га юқори бўлишига эришилган;

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги “Алаутдин” фермер хўжалигида 1 гектар майдонга қовун навлари экилиб, узок муддат сақлаш бўйича тажриба натижалари жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазиригининг 2023 йил 18 майдаги 01/022-1727 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида сақлаш давомида қовуннинг сифатига бевосита таъсир ўтказувчи ҳарорат, намлик, ҳаво айланishi каби муҳит омилларини назорат қилиш натижасида (1 га майдонда етиштирилган ҳосил

ҳажмига нисбатан) олинмаган соф фойда микдори 33885,0 минг сўмга, рентабеллик кўрсаткичи 42% га юқори бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 8 та си хорижий журналларда, 4 халқаро ва 3 та республика конференция тўпламларида чоп этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузулиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиёт рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларида боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари еритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Қовун(melon)**нинг тур ва навларини агробиологик, органолептик ва биокимёвий кўрсаткичларини илмий асослари бўйича илмий манбалар шарҳи» деб номланган биринчи бобда диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Шунингдек, дунёда ва Ўзбекистонда қовунни етиштириш ҳолати ва саклашнинг хусусиятлари, саклашга мўлжалланган кечпишар қовун навларининг технологик хусусиятлари ва уларни саклаш жараёнларини ташкил этиш, қовун меваларини саклашнинг турли усулларини қўллаш технологияси, қовунни саклаш ва қайта ишлаш жараёнини ташкил этиш юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити, услублари ва объект**и» деб номланган иккинчи бобда ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг туپроқ-иклим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот мақсади, объекти ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан хар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган қузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари,

шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.


Диссертациянинг «**Қорақалпоғистон шаронтида қовун меваларини етиштириш ва саклаш жараёнида дастлабки ишлов бериш йўли билан сакланувчанлик хусусиятини ошириш бўйича тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобда кечпишар қовунни етиштириш ва хосилини саклаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи омиллар ва уларни бошқариш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари баён этилган.

Жумладан, ушбу бобнинг «Шўрланган майдонларда етиштирилган қовуннинг агробиологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида қовуннинг агробиологик хусусиятларини тадқиқ қилувчи тажрибалар натижалари келтирилган.

Қорақалпоғистон республикаси Чимбой туманида олиб борилган тадқиқотларда қовунни ўрта пишар ва кеч пишар навлари май ойининг 1- декадаси охирида экилди/

Қовун уруғлари экилганда туپроқ ҳарорати 14-16°C ни ташкил этди. Натижада, деярли барча уруғлар бехато кўкариб чиқди.

Ҳарорат паст ва нам туپроққа экилган уруғ унувчанлик паст бўлди уруғларнинг чириб кетиш ҳолатлари кузатилди.



1-расм. Қовун уруғининг лаборатория ва дала шароитида унувчанлиги, % (2019-2021 йй.)

Уруғни экилиб, кўкариб чиққандин кейинги ривожланиш бўйича қузатишлар олиб бордик. Полиэтилен қопчиқларида жадвал ва соғлом ривожланди. Баъзи қўнларни ҳаво ҳарорати 40 °C бўлди ва бу вазиятда ўсимликнинг ривожланиши секинлашди, баргларидан сўлиш кузатилди.

Экин мўддатларини танилаш бўйича олиб борилган қузатишлар қуйидагича натижаларни намоён этди. Туپроқ ҳарорати 12°C дан паст бўлганда экилган уруғлар унувчанлиги жуда паст бўлди. Туپроқ тагидаги уруғлар олиб қаралганда эса уларнинг аксарият қисми чириб кетганлиги кузатилди.

Фенологик кузатишлар боскичларга бўйича бўлинган ҳолда кузатишди ва таҳлил қилинди. Бунда умумий вегетацион давомийлик куйидаги 4 та ривожланиш фазалари бўйича ўрганилди:

1. Экин-униб чиқиши; 2. Униб чиқиши – Оналик гулларнинг гуллаши; 3. Оналик гулларнинг гуллаши, мева тутиши; 4. Мева тутиши-пишиши.

Диссертациянинг «Ковун навларининг технология хусусиятлари ва биокимёвий таркиби» деб номланган бўлимида ковун меvasининг технологик хусусиятлари ва биокимёвий таркибининг сақланувчанликка таъсири бўйича таҳлиллар баён этилган.

1-жадвал

Ковуннинг навларини ўсиш, ривожланиш фазалари ва даврларининг давомийлиги (2020-2022 й)

№	Навлар	Фазаларро даврлар ва уларнинг давомийлиги (кун)			Вегетацион даврнинг умумий давомийлиги	
		Экин-униб чиқиши	Униб чиқиши – Оналик гулларнинг гуллаши	Оналик гулларининг гуллаши, мева тутиши	Мева тутиши-пишиши	Униб чиқилган
1	Ак уруғ	10	25	12	42	79
2	Ала-хамма местная	15	30	18	60	108
3	Бешек местная	12	28	14	46	88
4	Ширин-печак	10	26	13	46	85
5	Кара кант местная	13	30	16	51	97
6	Андархон	12	32	14	67	113
7	Зарчалан F1	10	28	12	45	85
8	Талик актила	13	33	16	63	112
9	Кок тинни 1087	14	35	14	62	111
10	Корагулоби	12	28	13	57	98
11	Коракашка	14	34	14	68	116
12	Ташлаки 862	12	24	13	56	93
13	Туёна	12	26	14	63	103
14	Саховат	14	28	15	68	111
15	Олтин водий	10	22	12	46	80
16	Заргулаби	12	23	14	56	93
17	Туриновот	13	28	16	66	110

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 3 абсо даражадаги сифат даражасидаги биринчи гуруҳнинг Ак уруғ навида эти чиқиши 81,8% га тўғри келади; Ала-хамма местная навида эти чиқиши 83,4% га тўғри келади; Бешек местная навида эти чиқиши 82% га тўғри келади; Ширин-печак навида эти чиқиши 83,2% га тўғри келади; Кара кант местная навида эти чиқиши 83,5% га тўғри келади; Андархон навида эти чиқиши 85,5% га тўғри келади; Зарчалан навида эти чиқиши 81,2% га тўғри келади;

Талик актила навида эти чиқиши 82,3% га тўғри келади; Кок тинни 1087 навида эти чиқиши 84,4% га тўғри келади; Корагулоби навида эти чиқиши 86,0% га тўғри келади; Коракашка навида эти чиқиши 82,0% га тўғри келади; Ташлаки 862 навида эти чиқиши 80,5% га тўғри келади; Туёна навида эти

чиқиши 81,9% га тўғри келади; Саховат навида эти чиқиши 79,7% га тўғри келади; Олтин водий навида эти чиқиши 81,2% га тўғри келади; Зар гулоби навида эти чиқиши 82,9% га тўғри келади; ва Туриновот навида эти чиқиши 84,5% га тўғри келади; навлариди эгининг микдори Шу тарика, ковулда эт чиқиши 79,7%–86,0% ораликда ўзгариб туради. Қорагулоби навида эти чиқиши 86,0% (2-жадвалга қаранг) ни ташкил этди.

Олинган маълумотлар биокимёвий таркиб кўрсаткичларига етиштиришнинг экологик шароитларининг юқори даражада таъсир кўрсатишини билдиради.

2-жадвал.

Тақдикотлар олиб борилган ковун меvasларининг технологик таркиби (2019-2021 й.й.)

№	Нав номи	Мева массаси, кг	Эт микдори, %	Этининг қалинлиги, см	Этдорлик даражаси, ЭД
1	Ак уруғ	8,20±0,5	81,8±1,5	5,5±0,6	0,82±0,06
2	Ала-хамма местная	3,50±0,3	83,4±1,7	2,5±0,3	0,83±0,05
3	Бешек местная	13,5±0,9	82,0±1,6	5,0±0,5	0,82±0,05
4	Ширин-печак	4,80±0,4	83,2±1,7	5,5±0,6	0,83±0,06
5	Кара кант местная	3,45±0,3	83,5±1,7	3,5-4,5±0,3	0,84±0,07
6	Андархон	10,7±0,8	85,1±1,8	3,5-4,5±0,3	0,85±0,08
7	Зарчалан F1	6,20±0,6	81,2±1,5	4,0±0,4	0,81±0,04
8	Талик актила	5,32±0,5	82,3±1,6	3,5-4,0±0,3	0,82±0,05
9	Кок тинни 1087	4,80±0,4	84,4±1,6	3,0-3,5±0,3	0,84±0,07
10	Корагулоби	2,93±0,2	86,0±1,9	2,0-3,0±0,2	0,86±0,09
11	Коракашка	7,59±0,7	82,0±1,6	5,0-6,5±0,6	0,82±0,05
12	Ташлаки 862	1,50±0,2	80,5±1,4	2,0±0,2	0,80±0,03
13	Туёна	6,30±0,6	81,9±1,5	4,0±0,4	0,82±0,05
14	Саховат	4,72±0,4	79,7±1,3	3,5-4,0±0,3	0,79±0,03
15	Олтин водий	2,80±0,3	81,2±1,5	3,0-3,5±0,3	0,81±0,04
16	Заргулаби	3,93±0,3	82,9±1,6	3,0-3,5±0,3	0,83±0,06
17	Туриновот	4,20±0,4	84,5±1,8	5,0-6,5±0,6	0,85±0,08
	ЭЖФ ⁰⁵	0,7			

Крахмал микдори энг кўп - 1,25% - 7,51% бўлган ковун меvasлари ажралиб туради, уларнинг орасида энг юқори кўрсаткичларга ковуниинг Ала-хамма местная навида (7,51%), энг ками эса Коракашка навида - 0,23% кузатишган. Куруқ қолдик микдори асосан меvasларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган ва уларнинг озикавий қимматига сезиларли даражада боғлиқ бўлган канд микдориға боғлиқ. Канд микдори тур, нав, шунингдек тадқиқ қилинган нав етиштириладиган шароитлар комплексига қараб ўзгариб туради. Уларнинг энг кагга микдори Ала-хамма местная навида - 12,11%, Коракашка навида 5,54% бўлди.

Инсоннинг сутқалик эҳтиёжини қондириш нуктаи назаридан ковун меvasларининг қиймати асосан озуқавий моддалар ва витаминлар билан белгиланади. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, ковуниинг Ала-хамма местная навининг 100 г овқатга ишлатилганда ўзлаштириладиган углеводларға (моно- ва дисахаридлар) нисбатан инсоннинг сутқалик эҳтиёжини 12,1%га,

Қорақашка навлари ишлатилганда эса метёрга нисбатан бор-йўғи 4,76%га коплайди, яъни ушбу навдаги қовун меваларини биринчи навга нисбатан деярли уч барабар кўп микдорда истеъмол қилиш лозим.

Турган тапқи, қовун меваларининг озикавий қиймати турининг таркиби ва етиштириш шароитига қараб ниҳоят даражада ўзгарувчанлир. Инсон овқатланишида моносахаридлар ва сахароза энг кимматли ҳисобланади. Углеводлар таркибини бағайтириш ўрганилаётган навларнинг таъмга хос устуңликларини тўлиқ баҳолаш имконини беради.

3-жадвал

Қарабарак ўсимлигининг 5% ли экстракти билан ишлов берилиб, сақланган қовун меваларининг органолептик баҳоси (2020-2022 йй)

Нав номи	Янглиғи	30 кун сақланиш	60 кун сақланиш	90 кун сақланиш	120 кун сақланиш	150 кун сақланиш
Ак уруғ	92,6±1,5	88,0±1,4	80,9±1,3	69,6±0,7	-	-
Ала-хамма местная	96,4±1,6	94,5±1,5	91,6±1,4	87,0±1,3	85,3±1,2	81,0±1,0
Бешек местная	90,0±1,5	88,2±1,4	85,5±1,3	81,2±1,2	79,6±1,1	75,6±0,8
Ширин-печак	84,8±1,3	80,6±1,2	74,2±1,2	63,8±0,7	-	-
Қара кант местная	85,1±1,4	83,4±1,3	80,9±1,2	76,0±1,1	74,5±1,0	70,8±0,7
Андархон	90,0±1,5	85,5±1,4	78,6±1,2	67,6±0,6	-	-
Зарчалан F1	87,2±1,4	82,9±1,3	76,2±1,2	65,6±0,4	-	-
Талик актида	91,6±1,5	87,1±1,4	80,1±1,3	68,9±0,7	-	-
Кок тинни	89,2±1,4	84,7±1,3	77,9±1,2	67,0±0,6	-	-
Қорағулوبي	96,4±1,6	94,4±1,5	91,6±1,4	87,0±1,3	85,3±1,2	81,0±1,1
Қорақашка	95,3±1,6	90,5±1,5	83,3±1,3	71,6±1,1	70,2±1,0	66,7±0,6
Ташлаки 862	95,1±1,5	90,3±1,4	83,1±1,4	71,5±1,1	70,1±0,9	66,5±0,5
Туёна	95,4±1,6	90,6±1,4	83,3±1,3	71,7±1,1	70,2±0,9	66,7±0,5
Саховат	95,1±1,5	90,3±1,4	83,1±1,3	71,4±1,1	70,0±0,8	66,5±0,5
Олтин водий	92,2±1,6	87,5±1,3	80,5±1,2	69,3±0,9	-	-
Зарғулوبي	94,9±1,7	90,2±1,5	82,9±1,3	71,3±1,3	69,9±0,7	-
Туриновот	88,6±1,4	84,2±1,3	77,4±1,2	66,6±0,8	-	-

Шу тариқа ўрганилган навларда қандларнинг микдори шундай қонуниятга эгаки, бунда йирик мевали қовун меваларининг ушбу кўрсаткич бўйича сифати кўпинча етиштиришнинг туپроқ-иклим шароитларига боғлиқ, қаттиқ пўстлоқли қовун навлари эса ушбу омиллардан қатъи назар моно- ва дисахаридлар тўпланиши бўйича энг турғун ҳисобланади.

Мазкур боғнинг “Қовун навлари билан сақлашдан олдин қарабарак ўсимлигининг экстракти билан ишлов берилишининг органолептик ва сақланувчилик хусусиятларига таъсири” деб номланган бўлимида сақланувчилик хусусиятини ошириш бўйича олиб борилган тажрибалар натижаси баён этилган. Қовунларни сақлашдан олдиндан могорлаши ва

бактерияли чириш касалигига қарши антисептиклар билан дориланади. Бунинг учун Қарабарак лотинча номи (*Halostachys belangeriana* (Moq.) Botsch. tuscha pom - Соляноколосник Беланже) ўсимлиги экстракти билан ишлов беришнинг самарадорлиги талқик қилинган ва 5% ли эритма энг мақбул натижани берган.

Қовун мевасини қарабарак ўсимлигининг 5% ли экстракти билан ишлов бериб сақлаш учун қўйиш бўйича олиб борилди. Мазкур тажриба натижасида қўйидаги кўрсаткичлар намоён бўлди. 60 кун давомида барча навлар ўзининг истеъмоболлик хусусиятини йўқотмади.

Бу 5% ли қарабарак ўсимлиги экстракти 2% концентрацияга нисбатан яхши кўрсаткич эканлигини исботлади. 90 кун сақлаганда эса, тажрибадаги 17 та навдан 8 нав ўзининг истеъмоболлик хусусиятини йўқотди. Бу навлар Ак-уруғ, Ширин пишак, Андархон, Зарчопон, Талик актида, Кок тинни, Олтин водий ва Туриновот навлари бўлди. Бу қовунларнинг барчаси 90 кун сақлангандан сўнг органолептик баҳоланганда 70 баллдан паст кўрсаткични қайд этди.

Қовун мевалари 120 кун сақланганда Зарғулوبي навиға мансуб қовун мевалари истеъмоболлик хусусиятини йўқотди. 150 кун сақланганда эса 4 та навга мансуб қовунлар истеъмол қилишга яроқли бўлди. Бу навлар Ала-хамма местная – 81 балл, Бешек местная – 75,6 балл, Қарақант местная – 70,8 балл, Қорағулوبي – 81 баллни ташкил этди. Бу навлар юқори сақланувчилик хусусиятини ўзида намоён этди.


Диссертациянинг «Қовун меваларини сақлаш ва қуриштириш технологиясини талқик қилиш, иктисодий самарадорлигини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида қовунни совитиб сақлаш ва қуриштиришнинг самарадорлиги бўйича олиб борилган талқикотлар натижалари баён этилган.

Шўрланган ерларда етиштирилган қовунлар табиий шароит ва ҳаво харорати режимида сақланганда ($t=23...29^{\circ}\text{C}$ ва ҳавонинг нисбий намлиги. 56 - 65% бўлганда) 60; 90 ва 120 кун сақланди. Қовунларнинг сақланишига уларнинг нави ва ҳосилни йиғиб олиш муддати қатта таъсир кўрсатди. Талқикотлар шунинг кўрсаткичи, диаметри 25,0 см дан ортик бўлган ташлаб териб олинган “Туёна” қовунини навиининг товарлик сифат кўрсаткичлари яхши сақланган. Унинг $+1...+3^{\circ}\text{C}$ и $+4...+6^{\circ}\text{C}$ режимида 98 кун сақланган ҳосилидан стандарт ҳосил чикини кўрсаткичи 20,1 - 25,0 см ли қовун ҳосили билан солиштирилганда, 5,5% кўп бўлиб, оғирлик йўқотиши. 1,9 марта кам бўлган. Оммавий йиғиб олинган ҳосил ёмон сақланган. Бир хил шароитда 58 кун сақланган қовундан стандарт ҳосил чикини микдори-30,5 - 51,4% бўлган ҳолда ҳосил бўлган чикинди 48,4 - 69,5% ни ташкил қилган. Тозалаб терилган қовун ҳосилининг узок сақланиши юқори бўлган. 10,1 - 15,0 см ҳажмдаги ҳосили 58 кун давомида сақлагандан кейин 2,4 - 8,7% чикинди бўлган ҳолда 15,0 см - 91,3 - 97,6% дан ортик 100% лик стандарт ҳосил таъминланган.

Тажрибаларга қўра, “Ала-хамма местная” ҳосил нави табиий шароитда ва қулай хароратда янада узокроқ сақланишида бўлди, “Қорағулوبي” қовун нави

эса табиий шароитда ҳам, +1...+3°C хароратда ҳам “Заргулаби” ва “Андрахон” навларига солиштириганда мос равишда 1,1 - 3,0 ва 1,4- 2,0 касалликлар билан интенсив зарарланган ва оғирлигини ҳам йўқотди.

Қовун навлари мевасини қуритиш 2 усулда; офтобда ва сунъий камераларда амалга оширилди.



2-расм. Қовун этига нисбатан қоқи чиқими, % (2019 – 2022 йиллар)

Умуман, қуритиш учун ўрта вазндаги қовун мевалари олиниб, ювилди, қуритилди. Шундан сўнг мева вазни аниқланиб, пичок ёрдамида тенга бўлинди. Тенг бўлақлар уруғ ва плацентадан тозаланди, тортилди. Кейин тозаланган тенг бўлақлар яна узунасига 3 – 4 та бўлақларга кесилди. Хар бир узун бўлақлар кўндалангга 12 – 15 см узунликда, 2 – 3 см қалинликда тилиқларга ажратилди, пўчоқдан тозаланиб, тортилди. Қовун тайёр эти тилиқлари тўрли зангламайдиغان металл ёки пластмассадан ясалган дастоҳларга жойланиб, қуритишга қўйилди.

Ўрганилган қовун навларининг ҳосилдорлиги, мева қанддорлиги ҳамда қоқи чиқими турли қуритиш усулларига қараб ўзгарди.

Мавжуд-гелюусулда қуритиш 7 – 12 кунгача давом этди. Сунъий камераларда эса қуритиш режими дастлаб 4 – 6 соат 38 – 40°C, сўнгра 6 – 8 соат 75 – 80°C хароратда (газ билан иситилганда) ёки 11 соат 30 минут – 12 соат, шундан 3 соат 45 минут – 4 соат 50°C, 3 соат 55 минут – 4 соат 60°C, 35 – 40 минут 50°C, 3 соат 30 минут 40°C хароратда (электр билан иситилганда) ушланди.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, мавжуд (гелю)қуритиш усулида қовун навларининг этига нисбатан қоқи чиқими ўртгача 10,7% ни ташкил этиб, 9,1 дан 12,3 гача ўзгарган бўлса, энг кўп қоқи чиқими Талик-актипа навида кузатилади. Бунда 1 га майдонда 29,3 тонна қовун мевасини етиштирилиб, шундан 3,6 тонна (12,3%) қовун қоқи олинди. Шунингдек,

Бешек местная навида ҳам юқори маҳсулдорлик кузатилади (11,8%). Бунда 1 га майдондан 44,9 тонна қовун етиштирилиб, шундан 5,3 тонна қуритилган маҳсулот чиқими кузатилади. Энг паст кўрсаткич эса Андрахон ва Қорақант местная навларида кузатилиб, 9,1% ни ташкил этди.

Сунъий қуритиш усулида куритилганда қовун қоқи чиқими ўрганилган навларда ўртгача 11,7 дан 15,5% га ошгани кайд этилиб, энг юқори қоқи чиқими (15,5%) Талик-актипа навида кузатилади. 1 га майдонда етиштирилган ҳосилдан чиққан тайёр маҳсулот бўйича энг юқори кўрсаткич Бешек местная навида кузатилиб, 6,7 тоннани ташкил қилди. Умуман олганда, биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар учун танлаб олинган навлар асосан кечпишар навлар бўлганлиги учун барчаси қуритиш учун яроқли эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, табиий усулда қуритилган кўра сунъий усулда қуритиш қулай бўлди. Чунки мазкур навлар асосан куз ойларида пишиши ёғингарчилик пайтига ҳам тўғри келди. Ёғингарчилик эса табиий қуритиш учун мутлақо ноқулай шароит ҳисобланади.

Иқтисодий самарадорлик бўйича даромад ва соф фойдани ҳисобланганда Ала-хамма местная навидан 183 млн 216 минг сўм даромад ва 59 млн 510 минг 500 сўм соф фойда, Бешек местная навидан 225 млн 930 минг сўм даромад ва 68 млн 500 сўм соф фойда, Қарақант местная навидан 158 млн 400 минг сўм даромад ва 51 млн 450 минг соф фойда, Қорағулоби навидан 137 млн 280 минг сўм даромад ва 44 млн 590 минг соф фойда, Қорақашка навидан 132 млн 600 минг сўм даромад ва 39 млн 910 минг сўм соф фойда олинди. Энг юқори иқтисодий самарадорлик Ала-хамма местная, Кара кант местная ва Қорағулоби навларида кузатилиб, 148,1% ни ташкил этди. Бунинг сабаби уларда табиий қамайиш бошқа навларга нисбатан пастлиги (12%) билан изоҳланди.

ХУЛОСА

1. Қовун ўсимлиги вегетация даврида энг мақбул харорат +30...+35°C ни бўлиб, ҳавонинг харорати +15°C дан пасайса, пояси ўсиш ва ривожланишдан тўхтади. Қовун ўсимлигининг пояси қурғоқчиликка чидамли бўлиб, намликни захирага йиғди, кейинчалик сувсизлик даврида нормал ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун сарфлайди. Қовунни қайта ишлаб, қовун асали (шпиниси – бекмес) олинади, қовун мевасининг этидан поре, компотлар, мураббо, повидло, жем тайёрлана, қовун пўчоғидан сукаглар тайёрланади. Уруғи таркибида 31-56% гача мой бўлиб, 1 га майдонда етиштирилган қовун уруғидан 360-400 кг гача мой олинади;

2. Эртапишар ва ўртапишар қовун навларини сақлаш муддати қисқа ва табиий йўқотишлар миқдори кечпишар навларга нисбатан кўп бўлади. Қовун меваларида бўладиган нам йўқолиши 15% дан ортганда критик даражага етади ва таркибда турли салбий ўзгаришлар бошланади.

3. Кечки қовун навлари ичида Қорақашка навида вегетатсион давр энг узок давом этди ва бу 130 кунни ташкил этди. Ўз навабига Ак-уруғ (89 кун) ва Олтин водий (90 кун) навларида энг кам давомийлик кузатилади. Танланган навлар ичида Бешек Местная нави энг ҳосилдор ҳисобланиб, 1 га майдондан 46

тоннагача ҳосил олинди;

4. Қовун меваларини саклашда унга дастлабки ишлов бериш усули саклаш давомийлигига тўғридан тўғри таъсир қилади. Қовун меваларига ишлов бермасдан тўғридан тўғри сакланганда Ала-хамма местная навининг органолептик баҳоси 120 кун да 71,3 баллини ташкил қилган бўлса, 10% ли қарабарак ўсимлиги экстракти билан ишлов берилганда 73,6 баллини, 5% ли қарабарак ўсимлиги экстракти билан ишлов берилганда 85,3 баллини, 2% ли қарабарак ўсимлиги экстракти билан ишлов берилганда 76 баллини ташкил этди. Дастлабки ишлов бериш учун қарабарак ўсимлиги экстрактининг энг мақбул концентрацияси 5% эканлиги исботланди.

5. Қовун меваларини саклашда 5% ли қарабарак ўсимлиги экстракти билан ишлов бериб, сакланганда энг яхши самарадорликка эришилади. Бунда, ишлов берилмасдан қовун мевалари сакланганда фақатгина Ала-хамма местная нави 120 кун давомида истеъмолбошлик хусусиятини йўқотмади. 5 % ли қарабарак ўсимлиги экстракти билан ишлов берилган қовун партиясида эса 150 кун сакланганда ҳам Ала-хамма местная, Бешек местная, Кара канг местная ва Қорағулوبي навларида юкори сифат кўрсаткичлари сакланиб қолади.

6. Бошқариладиган омборхоналардаги хавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги +1...+3°C даражасида ва мос равишда 80 - 85% доирасида сакланиб туриши керак. Бунда қовун ҳосилининг юкори сифати сакланиди ҳамда саклаш муддати чўзилади. Стандарт маҳсулот чикши навиға қараб 90,3 дан 98,6%гача ни ташкил қилади.

7. Сунъий қуриртиш ускунасида қуритилган навлар ичида энг юкори баҳо Қара канг местная (94,7), Ала-хамма местная (94,7), Қорағулوبي (94,0), Бешек местная (93,6) Ширин Печак (92,3), Андархон (92,2), Қорақашка (91,7), Саховат (91,8) ва Зарғулوبي (92,0) навларида кузатилиб, баҳолаш мезонлари бўйича "аъло" баҳога баҳоланди. Қовун меваларини қуриртишда табиий усулда қуриртишга нисбатан сунъий усулда қуриртиш ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан устун эканлиги маълум бўлди. Қовун навларининг мевасидан коки чикими ва сифати бўйича сунъий қуриртиш ускунасида қуриртиш афзалликка эга.

8. Қовун меваларини саклаш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, совуткичи омборларда сакланганда Ала-хамма местная навида 148,1%, Бешек местная ва Қорақашка навларида 143,1%, Қараканг местная навида ва Қорағулوبي навларида 148,1% иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи намоеън бўлди.

9. Тажриба натижаларининг маълумотлари бўйича қуйидагилар ишлаб чиқаришга тавсия этилади:

- кечки қовун меваларини саклаш учун Ала-хамма местная, Кара канг местная ва Қора гулوبي навларини танлаш мақсадга мувофиқ;
- қовунни саклашдан олдин унга қарабарак ўсимлигининг 5%ли экстракти билан ишлов бериб, кейин саклашга қўйиш мақбул ҳисобланади;
- қовун мевасини қуриртишда сифатли маҳсулот олиш учун сунъий қуриртиш ускунасидадан фойдаланиш тавсия этилади.

СУЛТАНОВ ЖЕТКЕРБАЙ ДАВЛЕТБАЕВИЧ

ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ХРАНЕНИЯ И ПЕРЕРАБОТКИ
ПЛОДОВ ДЫНИ В УСЛОВИЯХ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

06.01.11 - Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2023.1.PHD/Qx1080.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net/uz)

Научный руководитель:

Умидов Шавкат Эргашевич
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

Официальные оппоненты:

Додав Кўчкор Одилевич
доктор технических наук, профессор

Абдусатторов Бахтиёржон Абдугаллопов угли
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 12 октября 2023 года в 9:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tdau@tdau.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 549250). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 28 сентября 2023 года.
(реестр протокола рассылки № 64 от 11 сентября 2023 года).



Э.Т. Бералиев,
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

М.З. Холмуратов,
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.е.х.н., доцент

С.А. Юнусов,
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По всему миру экспорт бахчевых культур вырос на 6 процентов, составляя 2,3 млн. тонн. «Импорт дыни в США составляет – 25 %, в Нидерландии-10 %, во Франции-9 %, в Великобритании-9 %, в Канаде-8 % и в других странах -39 %. По состоянию на 1 ноября 2020 года, в зарубежные страны экспортировано свыше 54,7 тыс. тонн продукции дыни стоимостью 22,1 млн. долларов США. Если в настоящее время в нашей республике бахчевые культуры выращиваются на площади более чем 52,3 тыс. гектаров, то на 20,8 процента площади из них высевают дыню, а средняя урожайность составляет 19,7 тонн на гектар¹. Следует усовершенствовать технологию хранения дыни для того, чтобы круглый год в мире обеспечить потребление плодов дыни.

В направлении технологии хранения дыни рядом исследователей в мире проводились научные исследования. Эти исследования посвящены преимущественно краткосрочному хранению дыни, подбору ее перспективных сортов, подходящих для упаковки и хранения. Наряду с этим, ряд научных исканий и исследователейских работ в нашей стране проводились по технологии хранения дыни различными способами. Особенно ученые Турции, Ирана и Индии сосредоточили свое внимание на технологию хранения дыни и большинство их исследований проводились по совершенствованию процессов краткосрочного хранения плодов дыни. Однако недостаточно научных работы по изучению влияния агриобиологических и технологических особенностей на лежкость дыни, совершенствованию местных способов хранения дыни. В связи с этим актуальными являются изучение зависимости агриобиологических и технологических свойств дыни от ее лежкости, а также научное обоснование оптимальных технологических параметров в процессе хранения.

В последние годы в нашей стране уделяется особое внимание коренному повышению объема производства пищевых культур, их ассортимента и экспортного потенциала. В Узбекистане также рядом ученых ведутся научно-исследовательские работы, направленные на выращивание дыни на местах. Однако в этом плане недостаточно научных исканий по хранению и переработке плодов дыни. В Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года уделяется особое внимание «увеличению доходов дехканских и фермерских хозяйств не менее чем в 2 раза путем интенсификации сельского хозяйства на научной основе, доведению ежегодного прироста сельского хозяйства не менее чем до 5%, особенно, доведения к 2026 году объема пищевой продукции до 7,4 млн. тонн, уровень переработки по плодовоовощеводству – до 28%». В исполнении данных задач особое место занимает хранение дыни, приготовление различной продукции путем ее

¹ <http://www.fao.org/foostat/2020/>

переработки и достижения положительных результатов в этом направлении.

Также, в целях успешной реализации реформ, намеченных в стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020—2030 годы, обеспечения разумного использования имеющихся ресурсов, широкого внедрения в сферу новых рыночных механизмов 18 марта 2020 года было подписано постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4643 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления аграрной и продовольственной сферами». Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодОВОЩЕВОДСТВА в Республике Узбекистан» от 29 марта 2018 года, постановления Президента Республики Узбекистан ПП-4549 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодОВОЩЕВОДСТВА и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости» от 11 декабря 2019 года, постановления Президента Республики Узбекистан ПП-4161 «Об организации деятельности Агентства по развитию виноградарства и виноделия при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» от 5 февраля 2019 года, Указов и Постановлениях, а также в других нормативно-правовых актах в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По выращиванию дыни, ее агробиологическим, технологическим свойствам, ее хранению и переработке проводили искания такие ученые, как В.В.Арасимович, И.М.Ашеров, В.Ф.Белик, Х.Ч.Буриев, И.Ф.Горлов, С.Е.Михеев, А.А.Попов, Э.Н.Богданова, О.А.Маркина, К.О.Чайкин, Г.А.Тараканов, К.И.Пангалю, С.Т.Азимова, Д.Оакенфулл, А.Скотт, Н.Danişenko; E.Тесюкайте, S.Wilson и другие.

По бахчеводству в нашей республике проводился ряд работ, в частности в республике по возделыванию дыни проводилось множество исканий Х.Ч.Буриевым и И.М. Аперовым. По технологии переработки бахчевых продукций проводили искания такие ученые, как К.О.Долаев, А.Ж.Чориев, Ф.Х.Эшматов, З.А.Машарипова, по отрасли фармакологии — М.М.Миролимов, Т. Азлархонов, Ш.Х.Искандарова. Несмотря на это, недостаточно научных исследований по подбору сортов дыни, подходящих для переработки, хранения их различными способами и совершенствованию технологий приготовления различной продукции путем переработки дыни.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено на основе темы №17-1 кафедры «Хранения и переработки сельскохозяйственной продукции»

Ташкентского государственного аграрного университета «Научное обоснование использования ресурсосберегающих современных технологий при хранении и переработке сельскохозяйственной продукции и разработка рекомендаций» (2016–2020 гг.).

Цель исследования заключается в подборе лежких сортов дыни, выращенных в Республике Каракалпакстан, совершенствовании технологии хранения плодов и переработки.

Задачами исследования являются:

выращивание сортов дыни, подходящих для хранения и переработки, которые высаживают в условиях территории, исследование их агробиологических особенностей;

проведение исследований по изучению технологического и биологического состава плодов сортов и гибридов, выделенных для опытов; проведение опытов по выбору оптимального способа хранения плодов дыни;

совершенствование технологии приготовления различной продукции путем переработки плодов дыни.

В качестве **объекта исследования** отобраны местные сорта дыни Ак уруг; Ала-хамма местная; Бешек местная; Ширин-печак; Кара кант местная; Андархон; Талик актиля; Кок тинни 1087; Корагулоби; Коракашка; Ташлаки 862; Туёна; Саховат; Олтин водий; Зар гулоби; Туриноввог; Умирваки, адаптированные к выращиванию на территории Каракалпакстана.

Предметом исследования являются способы, средства и новые технологии, применяемые при хранении и переработке плодов дыни.

Методы исследования. Исследования проводились на посевах площадях фермерского хозяйства «Алахамба» Чимбайского района Республики Каракалпакстан, при выращивании растения дыни были использованы агротехнические методы, рекомендованные для условий Республики Каракалпакстан, и общепринятые агротехнические методы. Хранение и переработка плодов дыни осуществляли на основе методов Трисвятского (1991), Буриева (2002), Расулова (1980), Зуева и других (1997), все данные, полученные на основе опытов, — статистически проанализированы на основе методического пособия Б.А. Доспехова (1985) с помощью компьютерной программы Microsoft Excel. Органолептические анализы при определении коэффициента важности проводились по методике Е.П.Широкова и Полегаева, разработанной по оценке качества плодов и овощей, анализ биохимического состава плодов дыни — по методическому пособию А.И. Ермаковой «Методы биохимического исследования растений».

Научная новизна исследования заключается в следующем:

